

НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

1-модда. Ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик

Ўзбекистон Республикасида ноширлик фаолияти соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида ноширлик фаолияти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонунчилиги билан ҳам тартибга солинади.

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 2-февралдаги ПҚ-4151-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратсияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тўғрисида [низом](#)”, Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2006-йил 15-мартдаги 29-сон буйруғи билан тасдиқланган “Нашрларни чоп этиш [қоидалари](#)”.

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида Ўзбекистон Республикасининг ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилигидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

(1-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 21-апрелдаги ЎРҚ-683-сонли [Қонуни](#) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон)

2-модда. Ноширлик фаолиятининг эркинлиги

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

Ноширлар ўз фаолиятларида, шу жумладан ноширлик йўналишини, мавзуларини, ихтисослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллифни танлашда Ўзбекистон Республикасининг [Конститутсияси](#) ҳамда қонунчилиги доирасида мустақилдир.

(2-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 21-апрелдаги ЎРҚ-683-сонли [Қонуни](#) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон)

Ношир ва буюртмачи ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

3-модда. Сензурага йўл қўйилмаслиги

Нашрга тайёрланган қўлёзмалар ва материалларни сензурадан ўтказишга йўл қўйилмайди.

4-модда. Ноширлик фаолияти эркинлигини суистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги

Матбаа маҳсулотида конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, давлат аҳамиятига молик сирларни ошкор қилиш, уруш, зўравонлик ва беҳаёликни тарғиб қилиш, диний ва миллий нифоқ солиш, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситиш, тухмат қилиш ман этилади.

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

Ноширлик фаолиятида монополияга, шунингдек ноширлик фаолияти эркинлигидан қонунчилик талабларига зид келадиган мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

(4-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 21-апрелдаги ЎРҚ-683-сонли [Қонуни](#) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон)

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

5-модда. Ноширлик фаолияти мониторинги ва назорати

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

Нашриётларнинг (ноширларнинг) ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка риоя этишлари мониторинги, шунингдек литсензия талаблари ва шартларига риоя этишлари устидан назорат ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

(5-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 21-апрелдаги ЎРҚ-683-сонли [Қонуни](#) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон)

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

6-модда. Ноширлик фаолиятини литсензиялаш

Юридик ва жисмоний шахслар ноширлик фаолиятини литсензия олганидан кейин амалга оширишга ҳақли.

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

Ноширлик фаолиятини литсензиялаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

(6-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 21-апрелдаги ЎРҚ-683-сонли [Қонуни](#) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон)

ЛехУЗ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 19-декабрдаги 1017-сонли қарори билан тасдиқланган Ноширлик фаолиятини литсензиялаш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий [регламенти](#).

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

7-модда. Литсензиялар беришда давлат божларининг имтиёзли миқдорлари

Болалар адабиёти, ўқув адабиёти, норматив маълумотномалар, фан ва техникага оид адабиётни нашрга тайёрлаш ва уларни нашр этиш учун литсензия берганлик учун давлат божларининг имтиёзли миқдорлари белгиланиши мумкин.

(7-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013-йил 30-апрелдаги ЎРҚ-352-сонли [Қонуни](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2013-й., 18-сон, 233-модда)

ЛехУЗ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 19-декабрдаги 1017-сон қарори билан тасдиқланган “Ноширлик фаолиятини литсензиялаш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти” 18-бандининг [иккинчи хатбошиси](#).

ЛехУЗ шарҳи

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 13-сентябрдаги ПҚ-3271-сонли қарори билан тасдиқланган “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини

ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар [дастури](#)”, Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 18-майдаги 376-сон “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори б-бандининг [б\) кичик банди](#).

8-модда. Муассис

Юридик ва жисмоний шахслар нашриётлар ва матбаа корхоналарининг муассислари (ҳаммуассислари) бўлиши мумкин.

Муассис (ҳаммуассис) ноширнинг ихтисослашувини белгилайди ва унинг уставини тасдиқлайди.

9-модда. Ношир

Ношир:

нашриётга, матбаа корхонасига, шунингдек матбаа маҳсулотларини тарқатувчи бошқа корхоналарга муассис (ҳаммуассис) бўлиш;

мавзулар бўйича матбаа маҳсулотлари чоп этиш режасини мустақил равишда тузиш ва тасдиқлаш;

Ватанимиз муаллифларининг асарларидан чет элларда ва чет эллик муаллифларнинг асарларидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш, уларни чоп этиш ва тарқатиш тўғрисида чет эл юридик ва жисмоний шахслари билан шартномалар тузиш ва бу ишда воситачилик қилиш;

[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)

матбаа маҳсулоти тайёрлаш ҳамда нашр этиш учун буюртмалар олиш, ўз маҳсулотини реализатсия қилиш;

(9-модданинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2002-йил 13-декабрдаги 447-ИИ-сонли [Қонуни](#) таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003-й., 1-сон, 8-модда)

[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)

қонунчиликка мувофиқ ўзга фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

(9-модданинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 21-апрелдаги ЎРҚ-683-сонли [Қонуни](#) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон)

10-модда. Матбаа маҳсулотларини тарқатиш тартиби

Матбаа маҳсулотларини тарқатиш муассис, ношир, матбаачи ва муаллифнинг келишувига мувофиқ ёки шартнома асосларида ўзга юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Матбаа маҳсулотини тарқатиш шартнома асосида амалга оширилади.

Матбаа маҳсулоти ношир ёки унинг ваколати билан иш кўрувчи шахс рухсат берганидан кейингина тарқатувга чиқарилади.

11-модда. Нашрга доир маълумотлар

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

Матбаа маҳсулотининг нашрга доир маълумотлари қонунчилик билан белгиланади.

(11-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 21-апрелдаги ЎРҚ-683-сонли [Қонуни](#) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон)

ЛехУЗ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунининг [18-моддаси](#).

12-модда. Муаллифлик нашрлари

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

Юридик ва жисмоний шахслар ўз қўлёзмалари ва бошқа материалларни қонунчиликда белгиланган талабларга зид келмайдиган ҳолларда ўз маблағлари ҳисобидан чоп этиш ва тарқатишга ҳақлидир.

(12-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 21-апрелдаги ЎРҚ-683-сонли [Қонуни](#) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон)

ЛехУЗ шарҳи

Қаранг: Мазкур Қонуннинг 4-моддаси.

13-модда. Имтиёзли нашрлар

Болалар адабиёти, ўқув адабиёти, фан ва техникага оид адабиёт, норматив маълумотлар, қомусий қўлланма ва экспорт учун мўлжалланган матбаа маҳсулотлари, шунингдек кўзи ожизлар ва ногиронлар учун мўлжалланган нашрлар имтиёзли асосда чоп этилиши, қоғоз ва бошқа ресурслар, шу жумладан матбаа қуввати билан таъминланиши мумкин.

ЛехУЗ шарҳи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997-йил 25-июндаги ПФ-1791-сонли “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолини ҳуқуқий даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги [Фармони](#)га асосан, аҳолига сотиладиган ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлар ва кўрғазмалар қўлланмалар қийматининг 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

14-модда. Матбаа маҳсулотини олиб чиқиш ва олиб кириш

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

Матбаа маҳсулотини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш, худди шунингдек Ўзбекистон Республикасига чет эл матбаа маҳсулотини олиб кириш ва тарқатиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

(14-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 21-апрелдаги ЎРҚ-683-сонли [Қонуни](#) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон)

15-модда. Ноширлик фаолиятини тугатиш

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

Ноширлик фаолияти литсензия белгиланган тартибда бекор қилинганда ёки унинг амал қилиши тугатилганда, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда тугатилади.

(15-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 21-апрелдаги ЎРҚ-683-сонли [Қонуни](#) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон)

[Олдинги](#) таҳрирга қаранг.

16-модда. Ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарлик

Ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

(16-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 21-апрелдаги ЎРҚ-683-сонли [Қонуни](#) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон)

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,

1996-йил 30-август,

274-И-сон

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996-й., 9-сон, 137-модда; 2003-й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013-й., 18-сон, 233-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон)